# Ўзбекистон Республикасининг қонуни
# ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун журналистнинг журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

**2-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Журналист**

Журналист -- Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир.

**4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**

Ўзбекистон Республикасида цензурага йўл қўйилмайди.

Журналистдан хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олишини, шунингдек, материал ёхуд хабарнинг матнини ўзгартиришни ёхуд уларни бутунлай нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**5-модда. Журналистнинг ҳуқуқлари**

Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

башарти, қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

**6-модда. Журналистнинг мажбуриятлари**

Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас;

журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

**7-модда. Журналистика соҳасининг сири**

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши таъқиқланади.

**8-модда. Журналистнинг дахлсизлиги**

Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

**9-модда. Журналист текшируви**

Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

**10-модда. Журналистнинг касбига доир фаолияти кафолатлари**

Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилиниши таъминлайди.

Журналистнинг журналистлик фаолиятига аралашиш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш таъқиқланади.

**11-модда. Журналистни аккредитация қилиш**

Журналист давлат органи ёки жамоат бирлашмасида аккредитация қилиниши мумкин.

Журналистлар аккредитация қилинган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида журналистга олдиндан маълум қилишлари ва зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин.

Чет эл журналисти Ўзбекистон республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон республикаси ҳудудида аккредитация қилиниши мумкин.

**12-мода. Ўзбекистон республикаси журналистининг чет элдаги ва чет эл журналистининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти**

Ўзбекистон Республикасининг журналисти чет элда журналистлик фаолиятини Ўзбекистон республикасининг ва ўзи аккредитация қилинган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл журналисти ахборот тўплаш ва тарқатишда Ўзбекистон республикаси журналисти билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эл журналисти Ўзбекистон республикаси ҳудудида журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этиши шарт.

**13-модда. Чет эл журналисти аккредитациясининг бекор қилиниши**

Чет эл журналисти ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини бузган тақдирда, Ўзбекистон республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг аккредитациясини бекор қилиш мумкин.

Чет эл журналисти ўзининг Ўзбекистон республикасидаги аккредитациясини бекор қилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**14-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

цензура қилганлик,

журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**15-модда. Журналистнинг жавобгарлиги**

Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди.

**16-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И.КАРИМОВ.**
**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 24 апрель.**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори «ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**
**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 24 апрель.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
# АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

**2-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Ахборот олиш кафолатлари**

Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.

**4-модда. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари**

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир.

**5-модда. Ахборот олишга доир сўров**

Ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**6-модда. Сўровнинг шакллари ва уни қараб чиқиш муддатлари**

Ахборот олишга доир сўров ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланиши мумкин.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили, сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилади.

Ёзма сўровлар рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши шарт.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

**7-модда. Ахборот олишни таъминлаш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

**8-модда. Ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш**

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот унинг сўровига биноан текинга берилади.

Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

**9-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас.

**10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик**

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ва тахаллусини қўйган муаллифнинг кимлигини унинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг кимлиги фақат суд қарори билан ошкор этилади.

**11-модда. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик**

Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**12-модда. Шикоят қилиш ҳуқуқи**

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**13-модда. Ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик**

Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**14-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**
**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 24 апрель.**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори «АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**
**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 24 апрель.**

